

“Максам-Чирчиқ” акциядорлик жамияти ваколатли омборлар ташкил қилиш бўйича танлов эълон қилади

// 05.01.2026

<https://uzkimyosanoat.uz/uz/press/tender/maksam-chirchiq-akciyadorlik-zhamiyati-vakolatli-omborlar-ta>



“Максам-Чирчиқ” Акциядорлик Жамиятида ишлаб чиқарилаётган минерал ўғитлар ва бошқа маҳсулотларни вақтинчалик сақлаш бўйича хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартномаларни тузишда тадбиркорлик субъектлари ва бошқа талабгор корхоналар ўртасида тенг рақобатбардошлик жараёнини холис ва шаффоф ўтказилишини таъминлаш мақсадида, Андижон вилояти ҳудудида жамият томонидан ишлаб чиқарилган минерал ўғитларни сақлашга мўлжалланган ваколатли омборларни ташкил этиш танлов асосида ўтказилишини эълон қилади.

Минерал ўғитларни сақлаш учун техник ва хавфсизлик талабларига тўла жавоб берадиган ваколатли омборларни ҳамда уни ташкил этувчи муносиб талабгорларни танлаб олиш, танлов асосида махсус тартибга асосан амалга оширилади ва техник топшириқда белгиланган шартларга асосан танлаб олинади.

Танловда Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил этилган, соғлом молиявий фаолиятга эга бўлган, ўз мулкида, хўжалик юритишда ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, мустақил балансига ёки сметасига эга бўлган ташкилотлар қатнаша олади.

Танловда иштирок этиш учун танлов таклифлари муҳрланган конвертда 2026-йил 12-январ соат 18-00 га қадар қабул қилинади.

Ваколатли омбор танловида иштирок этиш учун зарур ҳужжатлар ва қўйиладиган талаблар ҳақидаги тўлиқ маълумотлар корхонанинг веб-

сайтида (<https://maxam-chirchiq.uz/uz/news/e-lon30122025/>) жойлаштирилган.

Маълумот олиш учун:

Почта манзили: Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Тошкент кўчаси 2-уй

Телефон: (99) 229-28-22, 851-10-08

E.mail: birga@maxam-chirchiq.uz

"Максам-Чирчиқ" АЖ Матбуот хизмати